# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Ижтимоий-сиёсий шаҳар газетаси





Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

№ 98 (8.682) ◆ 1995 йил ◆ 23 август, чоршанба ◆ Сотувда эркин нархда


## БУГУНГИ КУН «ТО» «ТО» НАФАСИ

### МАМЛАКАТИМИЗДА

❑ Вазирлар Маҳкамасида Мустақиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш ташкилий қўмитасининг навбатдаги мажлисида тантаналарга кўрилаётган ҳозирлик юзасидан мутасадди раҳбарларнинг ҳисоботлари тингланди.

❑ Кеча Қишлоқ хўжалик вазирлигида Бош вазирнинг биринчи ўринбосари Исмоил Жўрабеков бошчилигида пахта йиғим-теримига пухта ҳозирлик кўриш, ғўза баргини сифатли тўктириш ҳамда бошоқли дон экинлари экиш масалаларига бағишланиб, сим орқали кенгаш ўтказилди.

❑ Жиззах вилоятида ғўза баргини тўктиришга киришилди.

❑ Наманган вилоятида уруғлик пахтани танлаб териш бошланди.

❑ Самарқанд шаҳри ҳокимлиги машҳур бастакор ва қўшиқчи Ҳожи Абдулазиз Абдурасулов таваллудининг 140 йиллигини нишонлаш юзасидан қарор қабул қилди.

❑ Нукусда Қорақалпоғистон Республикаси ҳукуматининг пул-кредит масалаларига бағишланган мажлиси бўлди.

❑ Тошкент қишлоқ хўжалигини ирригациялаш ва механизациялаш муҳандислари институтида Орол муаммоларига бағишланган халқаро семинар иш бошлади.

❑ Германиядан мамлакатимизга яна 45 тонна дори-дармондан иборат инсонпарварлик ёрдами келди. Шу йил бошидан бери Германиядан инсонпарварлик ёрдами сифатида умумий қиймати 25 миллион немис маркаси турадиган 140 тонна дори-дармон ва тиббиёт асбоб-ускуналари олинди.

❑ Тошкентда Уэльс санъати намуналари кўргазмаси очилди. У шу йил баҳорда Буюк Британияда бўлиб ўтган ўзбек санъат кўргазмасига жавоб тариқасида ўтказилмоқда. Уэльс санъати намуналари билан самарқандликлар ва бухороликлар ҳам танишиш имкониятига эга бўладилар.

❑ Бугундан 1 АҚШ долларининг сотиб олиш ва сотиш тижорат қиймати 31 сўм 70 тийин бўлди.

### ҲАМДЎСТЛИКДА

❑ Кеча Россия федерал қўшинлари 21 август куни Грозниййдан 8 километр узоқликда жойлашган Аргунда туман ички ишлар бўлимини эгаллаган Алауди Хамзатовнинг 200-250 нафар жангариларини бу ерни ташлаб кетишга мажбур қилдилар. Жанговар ҳаракатлар оқибатида дудаевчилардан 70-80 жангари ҳалок бўлганлиги тахмин этилмоқда. Россия федерал қўшинлари ҳарбий хизматчилари ўртасида ҳам талафотлар бор. Чеченистондаги Россия федерал қўшинларининг қўмондони Анатолий Романов содир бўлган ушбу ҳодисага қарамасдан федерал маъмурлар ва дудаевчилар ўртасида ҳарбий соҳадаги аҳдлашувлар бажарилишини таъминлаш чоралари кўрилишини маълум қилди.

❑ Олинган маълумотларга қараганда, Тожикистон маъмурлари ва мухолифатчилар ўртасида жанговар ҳаракатларни тўхтатиб туриш муддатини яна олти ойга узайтиришга келишилган.

❑ Беларусда иш ташлаган метро ходимлари касаба уюшмаси етакчилари устидан суд бошланди.

❑ Шу ой охиригача Россиянинг Плицескдаги космодромидан Украинанинг илмий тадқиқотлар ўтказишга мўлжалланган сунъий йўлдоши космик фазога учирилади.

❑ Кеча Москва яқинидаги Жуковский шаҳрида иккинчи халқаро авиация-космик салони очилди. Унда 23 мамлакатнинг 400 дан ортиқ фирмаси, шу жумладан Тошкент авиасозлари ҳам иштирок этяптилар.

### ХОРИЖДА

❑ Сараево шаҳри атрофида серблар ва мусулмонлар ўртасида қуролли тўқнашувлар тобора кучаймоқда.

❑ Қуддусда портлатиб юборилган автобусда ҳалок бўлган олти киши дафн этилгандан сўнг Исроил билан Фаластин ўртасидаги тўхтаб қолган музокаралар яна бошланди.

❑ Сўнгги маълумотларга кўра, Ҳиндистоннинг Ферозабад бекатида иккита йўловчи поезди тўқнашиб кетганлиги оқибатида ҳалок бўлганларнинг сони 425 кишига етган.

❑ Жанубий Кореянинг Енин шаҳридаги балоғатга етмаган қизлар ахлоқ тузатиш муассасаси ётоқхонасида рўй берган ёнғин оқибатида камида 37 киши ҳалок бўлди.

❑ Сурункали жалалар оқибатидаги кучли сув тошқинлари сабабли Бангладешнинг 1 миллион нафардан кўпроқ аҳолиси бошпанасиз қолди.

❑ Аргентинанинг уй бекалари уюшмаси шу йил октябрь ойида жаҳон уй бекалари конгрессини ўтказишни режаламоқда. Аёлларнинг ижтимоий аҳволи муҳокама этилиши мўлжалланаётган ушбу анжуманда ҳозирнинг ўзида Италия, Испания, Германия, Россия, Ҳиндистон, Мексика, Бразилия, Польша, Жанубий Африка Республикаси каби мамлакатлар уй бекалари вакиллари иштирок этиш ниятини билдирдилар.

---

*ТАБРИКНОМА*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

*Ҳурматли Президент,*

*Вашингтон университети Марказий Осиё тиллари ва маданияти ёзги программаси профессор ва талабалари Сизни, Сиз орқали бутун ўзбек халқини Ўзбекистоннинг улуғ байрами — Мустақиллик куни тўрт йиллиги муносабати билан чин кўнгилдан табрик этадилар.*

*Биз бир гуруҳ америкаликлар ўзбек тили ва маданиятини зўр қизиқиш билан ўқиб ўргандик. Тарихингиз ва адабиётингиз ҳақида тасаввурга эга бўлдик. Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоийдек буюк зотлар ўзбек ҳамда дунё тарихида қандай рол ўйнаганларини билиб олдик.*

*Ўзбекистоннинг энг катта бойлиги ипак эмас, пахта эмас, тилло эмас. Бу — Ўзбекистоннинг халқи. Ўзбек халқи албатта буюк давлат қуради. Худо куч-қувват берсин!*

*Биз Тошкент билан бирородарлашган кўркам Сиэтл шаҳрида сабоқ олдик. Бу дўстликка 1972 йилда асос солинган эди. Вашингтон университетида 1947 йилдан бошлаб Марказий Осиё маданияти ўрганилади. Чорак асрдан бери ўзбек тили ва адабиёти ўқитилади, бу анъана яна ҳам ривожланмоқда. Ёзги сабоқлар сўнгида ўзбек халқини Ўзбекистоннинг Мустақиллик куни билан қутлаш анъанага айланган. Фурсатдан фойдаланиб, ўтган йили йўллаган табригимизга жавоб берганингиз учун миннатдорлик билдирамиз. Вақти келиб, Сиэтлда меҳмон бўласиз, деб умид қиламиз.*

*Биз Сизларнинг дўстингиз бўлиш учун ўзбек тилига меҳр қўйдик. Америка Қўшма Штатлари ва Ўзбекистон Республикаси ўртасида дўстлик, бир-бирини англаш, тушуниш даражаси юксак бўлишини истаймиз. Шунда биз тинчлик, дўстлик ва тараққиётда ёрқинроқ келажакни бирга қуриб оламиз.*

*Улуғ ўзбек халқига яхши кунлар йўлдош бўлсин!*

**Илза СИРТАУТАС,**
**Вашингтон университети профессори, программа раиси**
**Лора АДАМС,**
**Берклидаги Калифорния университети аспиранти**
**Рич ХАВКИНС,**
**Вашингтон университети аспиранти, Сиэтл**
**Ховард АЙЗЕНСТАТ,**
**Лос-Анжелесдаги Калифорния университети аспиранти**
**Кенли БАТЛАР,**
**Вашингтон университети аспиранти, Сиэтл**
**Колин БЕЛЛ,**
**мактаб ўқитувчиси, Сиэтл шаҳри**
**Брент ПАТМАН,**
**Жоржтоун университети аспиранти, Вашингтон Д. С.**
**Тўбайс КАММЕР,**
**Вашингтон университети талабаси, Сиэтл**
**Том ПАРКХУРСТ,**
**Коламбус шаҳри, Охайо штати**
**Дианна ПАРКХУРСТ,**
**Коламбус шаҳри, Охайо штати.**

1995 йил 15 август
Америка Қўшма Штатлари
Вашингтон штати Сиэтл шаҳри.

---

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ТЎРТ ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН*

**Ҳадемай мустақил Ўзбекистонимизнинг тўрт йиллик тўйини кенг нишонлаймиз. Айни пайтда ҳамма жойда ушбу тўйга қизғин тайёргарлик кўрилмоқда. Қардошлик, қариндошлик туйғуларини авайлаб-асраб келаётган пойтахтимизнинг кўп миллатли кенжа тумани — бектемирликлар ҳам уни ўзига хос ютуқлар билан кутиб олишга ҳаракат қилишмоқда. Туман ҳокими Шукурулло ҲИКМАТОВ билан бўлган суҳбатда бунга яна бир бор ишонч ҳосил қилдик.**

*ТУМАНЛАР ЙЎҚЛАМАСИ: БЕКТЕМИР*

## ҚАРДОШЛИК ТУЙҒУЛАРИНИ АВАЙЛАБ

— Туманимизни азим Тошкент ўз бағрига олганига кўп бўлгани йўқ. Бугунги кунда туманда 35 мингга яқин аҳоли истиқомат қилади. Улар орасида ўнлаб миллат ва элатларнинг вакиллари бор. Барча ҳар қандай байрам, тўй ва тантаналарни бир ёқадан бош чиқариб, ҳамжиҳатликда ўтказади. Бир нарсани алоҳида таъкидлаш жоизки, барча жойларда бўлгани каби бизнинг туманимизда ҳам Ўзбекистон халқининг турмуш тарзини яхшилаш, халқлар ўртасида ўзаро ҳамдўстлик алоқаларини мустаҳкамлашга қатъий амал қилмоқдамиз.

Мана шу ўтган 4 йиллик давр, айниқса охирги бир йил ичида аҳоли фаровонлигини ошириш, уларга зарур турмуш шароитларини яратиш борасида талай ишлар амалга оширилди. Бунда асосий эътибор албатта қурилишларга қаратиляпти. Бундан ташқари кўп қаватли уйларни таъмирлаш ҳам диққат марказимизда. Туманда 13 та маҳалла жойлашган бўлиб, бундан тўрт йил муқаддам уларнинг бирортасида ҳам маҳалла гузарлари мавжуд эмас эди. Бугунги кунга келиб эса улардан «Бузовчи», Абай, Олим Аширов ҳамда Бектемир маҳаллаларида замонавий, барча шароитлар яратилган гузарлар қуриб фойдаланишга топширилди. Шу йилнинг ўзида биргина «Мустақиллик» маҳалласига беш километрга яқин табиий газ қувурлари ётқизилиб, ишга туширилди. Бундан ташқари шу муддат ичида бутун «Водник» даҳасини иссиқ сув билан таъминлайдиган иссиқлик қозони ишга тушди. Қўшни Ҳамза туманидан қувурларда катта ҳажмдаги ичимлик суви келтирилди. Шунингдек оқава сувларини тозалаш иншоотининг иккинчи навбати қурилиб, фойдаланишга топширилди. «Дока нон» корхонаси ишга туширилди. Шу билан бирга бир қанча савдо дўконлари ва расталари қурилди. Чирчиқ дарёсининг ўнг қирғоғида «Бектемир» улгуржи-савдо буюмлари бозори очилиб, фойдаланишга топширилди.

**— Бу йилги Мустақиллик байрамига тайёргарлик, унинг шукуҳи ўзгача. Бу борада туманда қандай ишлар қилиняпти?**

— Тўғри айтдингиз, бу йилги тайёргарлик ўтган йилга нисбатан кенг кўламли. Чунки у бизнинг энг улуғ байрамларимиздан бирига айланди-да! Туманимизда байрамни ўтказиш бўйича алоҳида дастур ишлаб чиқдик, масъул ходимларни тайинладик. Шунга кўра, бир ойлик ободонлаштириш ишлари давом этмоқда. Деярли ҳар куни шанбалик, ҳашарлар ўтказилмоқда, кўчалар, хиёбон ва майдонлар тозаланди. Ташкилотлар, корхоналар ва меҳнат жамоалари ўз ҳудудларини байрамга тайёрламоқда. Бу ишларни амалга оширишда туман ободонлаштириш бошқармаси, 8- махсус автокорхона ходимлари яқиндан ёрдам бермоқда. Шунингдек ҳудудда 10 га яқин автобазалар мавжуд бўлиб, улар ҳам жадвал асосида ҳар куни машиналарни ободонлаштириш ишларига сафарбар қиляпти.

Тантаналар асосан туманимизнинг Красницский номли ўйингоҳида ўтказилади. Махсус жой тайёрланиб, атроф байрамона тусда безатилмоқда. Шу куни бутун туман аҳолисига байрам дастурхони ёзилиб, ош тарқатилади. Тантаналарга уруш ҳамда меҳнат фахрийлари, илғор ишчилар, кўп фарзанд тарбиялаб вояга етказган онахонлар ва бошқалар таклиф этилади. Катта халқ сайиллари уюштирилиб, унда туманимиздаги барча бадиий ҳаваскорлик жамоалари катта дастурда томошалар намойиш этадилар.

Шунингдек, маҳаллаларда ҳам улуғ байрам кенг нишонланади. Турли учрашувлар ташкил этилади. Шу билаан бирга боқувчиси йўқ, кам таъминланган оилаларга, ногиронларга саховат кўрсатилиб, байрам совғалари инъом этилади.

*СУРАТЛАРДА: туман ҳаётидан лавҳалар.*

*Рустам Шарипов олган суратлар.*

(Давоми 3-бетда)





---

*Ободонлаштириш ойлиги давом этмоқда*

## ЯНАДА ЧИРОЙ ОЧИБ

**Тошкент шаҳар ҳокими Козим Тўлаганов Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик кунининг тўрт йиллиги байрами муносабати билан шаҳримизда 1 августдан 31 августгача ободонлаштириш ва тозалик ойлигини ўтказиш ҳақидаги қарорни имзолаган эди. Шундан бери ўтган вақт мобайнида бу борада азим Тошкентимизда қандай ишлар амалга оширилди? Шу ҳақда сўзлаб беришни шаҳар ободонлаштириш бош бошқармаси бошлиғи Маҳамаджон Зуфаровдан илтимос қилдик.**

— Президентимиз Ислом Каримовнинг бевосита бизга кўрсатаётган катта ғамхўрлик ва ёрдамлари туфайли шаҳримизда ободончилик ишлари мисли кўрилмаган даражада авж олиб кетди, — дейди Маҳамаджон Зоирович. — Масалан, шаҳримизнинг деярли барча бозорлари қайта қурилди. Ҳозир улар чинакам шарқона тус олиб пойтахтимизга ташриф буюрган барча меҳмонларнинг диққат-эътиборини ўзига тортмоқда. Марказий йўлларни таъмирлаш ва янгидан қуриш, уларни чинакам замон талабига жавоб бера оладиган даражага олиб келиш мақсадида барча имкониятлар ишга солинмоқда. Бугун Фарғона йўли, Ҳ. Асомов, Туроб Тўла кўчалари ва Бўржар кўприги устидан ўтган кишининг дили қувнайди. Ахир яқингинада йўловчи ва ҳайдовчилар бу йўлларнинг ноқулайлигидан ранжишарди. Ёки бўлмаса пойтахтимизнинг Эски шаҳар қисмида олиб борилаётган катта бунёдкорлик ва ободончилик ишларини олиб кўрайлик. У ҳар қанча мақтов ва таҳсинга лойиқдир.

**— Энди бевосита ободонлаштириш ойлигида бажарилаётган ишлар кўлами ҳақида гаплашсак.**

— Ойликда амалга ошириладиган юмушларни олдиндан режалаштириб олган эдик. Бу масалада бизга шаҳар ҳокимлиги яқиндан ёрдам бермоқда. Ҳар шанба куни бу ерда штаб йиғилиши бўлиб ўтади. Бунда ҳафталикка якун ясалиб, навбатда амалга ошириладиган ишлар маслаҳатлашиб олинади.

Албатта ушбу ойлик фақатгина шунга мутасадди бўлган идора ва ташкилотларнинггина иши бўлиб қолмай, у умумхалқ юмушига айланмоғи керак. Унда ҳамма виждонан иштирок этиши шарт. Шу ўринда пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур тумани фахрийлар уюшмаси кенгашининг ибратли ишларини қайд қилиб ўтмоқчиман. Улар шаҳримизда биринчилардан бўлиб маҳалла ва бошқа турар жойлардаги фахрийларни озодалик кунларида қилинадиган ишларга бошқош бўлишларини даъват этиб Тошкент шаҳар фахрийларига мурожаатнома йўллашди. Бу ташаббус бошқа туман фахрийлари томонидан ҳам қўллаб-қувватланиб улар ўз сўзларининг устидан чиқишмоқда, ойликда фаол иштирок этишмоқда.

Дарҳақиқат ойликда қатнашиш, умуман ободонлаштириш ишлари ҳамманинг бурчи бўлиб қолмоғи керак. Келинг, азиз ҳамшаҳарлар, тилларда достон бўлган серқуёш Ўзбекистонимиз катта байрам арафасида турган экан, ҳар бир дамлардан унумли фойдаланиб, байрамни пухта тараддуд билан кутиб олайлик. Шундай бўлсинки, шаҳримизнинг ҳар бир гўшасидан, обод ва файзли кўчаларидан ўтган меҳмон сахийқалб тошкентликларнинг озодагарчилигига ҳам қойил қолсин.

Суҳбатдош Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ.

---

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ*

## ХОРИЖИЙ САРМОЯЛАР БЎЙИЧА АГЕНТЛИКНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Хорижий сармояларни республика иқтисодиётига жалб этиш жараёнини ривожлантиришга кўмаклашиш, Ўзбекистонда инвестиция таклифларини тайёрлаш ва рўёбга чиқаришда эҳтимол тутилган хорижий сармоядорларга ҳамда маҳаллий шерикларига амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида:

1. Ноҳукумат ташкилоти мақомига эга бўлган хорижий сармоялар бўйича агентликни ташкил этиш тўғрисида Ўзбекистондаги БМТ ваколатхонасининг, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги ва Давлат мулк қўмитасининг таклифи қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар белгилаб қўйилсин:

— Хорижий сармоялар бўйича агентлик Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги инвестицияларга кўмаклашиш хизмати ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат мулк қўмитаси ҳузуридаги Кўчмас мулк ва хорижий сармоялар бўйича миллий агентлик негизида ташкил этилади;

— Агентликнинг иши унинг ишчи аппарати ва мувофиқлаштирувчи кенгаш томонидан таъминланади, кенгаш таркиби давлат бошқарув органларининг вакилларидан, иқтисодиёт соҳасидаги олимлар ва мутахассислардан, турли мулкчилик шаклидаги корхоналарнинг, хорижий фирмалар, компаниялар ва банкларнинг раҳбарларидан иборат бўлади.

— Агентлик фаолиятини ташкилий-техникавий жиҳатдан таъминлаш бюджетдан ажратиладиган маблағлар, БМТ ривожланиш дастури ва бошқа халқаро ташкилотларнинг инвестиция фаолиятини институционал ривожлантириш мақсадларига йўналтирилган маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

3. Хорижий сармоялар бўйича агентликнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат эканлиги маълумот учун қабул қилинсин:

— инвестиция фаолияти соҳасида хорижий ташкилотлар ва фондларнинг иштирокида халқаро ҳамкорлик дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

— хорижий сармояларни жалб этишнинг меъёрий-ҳуқуқий негизи соҳасида таклифларни ишлаб чиқишда қатнашиш;

— иқтисодиётнинг турли секторларида инвестиция муҳитини ўрганиш, Ўзбекистондаги ва хорижий давлатлардаги инвестиция муҳитини қиёсий таҳлил этиш;

— Ўзбекистон Республикасида инвестиция фаолияти ва сиёсати масалалари бўйича ахборот-реклама нашрларини тайёрлаш, уларни халқаро тадбиркорлар орасида тарқатиш;

— инвестиция соҳасидаги таклифларни ишлаб чиқиш, уларни расмийлаштириш ва амалга ошириш тартиби юзасидан вазирликларга, идораларга, барча мулкчилик шаклларидаги корхоналарга, шунингдек, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларига кўмак бериш;

— амалдаги техникавий кўмаклашиш дастурларидан ва халқаро ташкилотларнинг маълумот базаларидан фойдаланган ҳолда манфаатдор хорижий сармоядорларни излаш;

— амалий алоқаларни кенгайтириш, чет эл тажрибасини йиғиш ва хорижий сармояларни жалб этиш бўйича семинарлар, конференциялар ҳамда бошқа тадбирларни тайёрлаш ва ўтказиш;

— хорижий ва маҳаллий тадбиркорлар иштирокида давра суҳбатларини уюштириш орқали амалий шериклик муассасаларини ташкил этишда кўмаклашиш;

— сармояларни жалб этишнинг турли шаклларини ўрганиш бўйича чет мамлакатларнинг сармояларга кўмаклашувчи хизматларида, компаниялари ва корхоналарида ўзбек мутахассисларнинг малака оширишларини ташкил қилиш;

— юқорида айтиб ўтилган ишлар ва тадбирларни амалга оширишга хорижий экспертларни жалб этиш.

4. Хорижий сармоялар бўйича агентлик рўйхатга олинган пайтдан бошлаб уч йил муддатга солиқлар тўлашдан, шунингдек қонунларда белгиланган мажбурий тўловларни тўлашдан озод этилсин, бунда бўшаган маблағларни хорижий сармоялар бўйича агентликнинг моддий-техника базасини ривожлантиришга сарфлаш шарт қилиб қўйилсин.

5. Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддат ичида ушбу Фармонни ижро этишга оид қарор қабул қилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1995 йил 21 август

---

*Қурилиш майдонларида*

## УЗУККА КЎЗ ҚЎЙГАНДЕК

Сергели туманидаги қурилаётган бадантарбия-соғломлаштириш мажмуи Мустақилликнинг тўрт йиллиги байрами арафасида топширилиши лозим бўлган энг йирик бинокорлик нуқталаридан бири ҳисобланади. Ҳозирги кунда гимнастика иншооти ҳамда теннис майдонини қуришда 39-қурилиш бошқармаси бинокорлари қатнашмоқда.

— Бу бинокорлик нуқтасида биздан 49 киши меҳнат қилмоқда,— дейди қурилиш катта ишбошиси Озодбек Ҳолқулов. — Улар ҳозир қурилиши лозим бўлган иш ҳажмини бажаришга бемалол улгуришаяпти. Мазкур қурилиш нуқтасини белгиланган вақтда топширишга ҳаракат қилаётирмиз.

Айни пайтда қурилиш нуқтасига қарашли ҳудудда ободонлаштириш ишлари тез суръатлар билан олиб борилмоқда.

Бадантарбия-соғломлаштириш мажмуининг иккита биноси ҳозирги кунда мавзеда узукка кўз қўйгандек кўп қаватли уйлар билан уйғунлашиб кетган. Бу ерда шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, мазкур спорт мажмуи туманда биринчи марта қурилаётган улкан қурилиш нуқталаридан ҳисобланади.

Ғулом ЮСУПОВ.

---

## САМАРАЛИ ТАДҚИҚОТ

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ўсимлик моддалари кимёси институти тажрибахоналарида олиб борилаётган тадқиқотларининг кўпи самарали якунланмоқда. Тадқиқот ўчоғининг бир гуруҳ етакчи олимлари иштирокида юзага келган янги дори ҳам институтга шуҳрат келтирди.

Юқумли касалликлар муолажасида қўл келадиган мазкур альбендазол препарати республикамиз шароитида обдон ўрганилгач, Россиядаги тиббиёт-паразитология институтига клиник тажрибадан ўтказишга топширилди. Бу тиббий жиддий кузатишлар ҳам ижобий натижа берди.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, мазкур фойдали препарат Россия Федерацияси соғлиқни сақлаш вазирлигини қизиқтириб қолди. Шу мақсадда вазирлик институтга альбендазолни кўплаб тайёрлаб беришни сўраб, буюртма берди. Бу илтимос бажонидил қабул қилинди.

Ҳозир буюртма асосида препаратдан бир неча килограмми тайёрланди. Ана шу дорининг бир қисмини Чеченистонга юборишга қарор қилинди.

Ҳисоб-китобларга қараганда, институт йил охиригача альбендазолдан юз килограммини буюртмачиларга етказиб беради.

Равшан АЪЗАМОВ.

---

## ФАХРИЙЛАР СОВҒАСИ

Тошкентда бўлиб ўтган фахрийлар корхоналари республика «Ветеран» бирлашмаси йиғилишида бирлашманинг 1995 йил биринчи ярмидаги иш якунлари ва галдаги вазифалар муҳокама этилди.

— «Ветеран» бирлашмаси ходимлари ҳам қўш байрамни нишонлаш арафасида турибдилар, — деди бирлашма раиси Назир Аҳмедов. — Нафақадорлар корхоналари ташкил этилганига ҳам 4 йил бўлди. Шу йиллар мобайнида кичик корхоналаримиз сони 19 тадан 465 тага кўпайди. Даромадлар 26 баравар ортди. Муҳими, шаҳар ва қишлоқ жойлардаги меҳнатга лаёқатли 5 мингга яқин нафақадорлар, яна шунча ёшлар иш билан таъминландилар.

Шуҳрат ҚОСИМОВ.

